

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №4

Бухоро ш.

«24» «январь» 2022 йил

«NONVOYON» МЧЖ, (ташкilot, корхона номи) (кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади) номидан ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи корхона раҳбари А.Қараев, вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Бухоро Олимпия захаралари коллежи (корхона, ташкilot, муассаса номи), (кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи коллеж директори Б.Б.Шамсиев (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Қолибли нон	дона	6745	1500	10117500
	Жами				10 117 500

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» «03» 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **10 117 500** (Ун миллион бир юз ун етти минг беш юз) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинadиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **3 035 250** сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **7 082 250** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил «31» «март»гача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қондага кўра, 30 фоиз миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчининг хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди:
- 5.4. Шартноманинг 3.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тўлайди:
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «24» «01» дан 2022 йил «31» «12»гача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келдишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 7.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОГУВЧИ»

«NONVOYON» МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилояти Бухоро шаҳар
Мустақиллик кўчаси 71-уй

Тел./факс 91-412-04-01

Х/Р 20208000300236131001

Банк номи Миллий банк Бухоро шаҳар
филиали.

МФО 00084

ОКОНХ 71211

СТИР 302636812

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Бухоро Олимпия захиралари коллежи

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Бухоро ш. Алпомиш кўчаси 2

Тел./факс 222 35 23

ш/х* 100010860064017092600245001.

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 206786999

ОКОНХ 92120

Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти
бўйича Ғазначилик бошқармаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент
шаҳар бош бошқармаси

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар

(лавозим)

Б.Б.Шамсиев

(Ф.И.Ш)

Раҳбар

А.Қараев

(Ф.И.Ш)



М.У



М.У

Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____

Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: _____